
ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РИШТОНДА!

Фарғона вилоятида бўлиб турган Япониянинг “АОИКАИ Medical Corporation” компанияси вице-президенти Хироши Тамаи, корпорация бош юристи Наоя Эндо, шунингдек АОИКАИнинг Ўзбекистондаги вакиллари билан иборат делегацияси Риштон туманига ташриф буюрди.

Ташриф аввалида меҳмонлар “Халқаро кулолчилик маркази” да бўлишиб, бу ердаги кулоллар билан суҳбатлашишди. Шундан сўнг, делегация аъзолари Риштон туманидаги Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази қошидаги “Норико Гаккию” япон тили ва маданият марказида бориб, у ерда таҳсил олаётган ўқувчилар билан учрашишди. Учрашув самимий тарзда ўтиб, меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Делегация аъзоларига вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев, туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Жўрабоевлар ҳамроҳлик қилишди.

2021-10-23 17:52:28